



ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2022 (№1)



1-picture. Educational process model for the formation of concepts of environmental safety in primary school students

In the school, the nature of communication, the effectiveness of education increases only when the teaching is skillfully combined with extracurricular work on different sides of Nature Communication by the reader. A detachment of green patrols, naturalist clubs, clubs of friends of young naturalists, well-justified himself as forms of kilish, organized the upbringing of nature correspondent vs the angle of nature in school [2:27].

In conclusion, the role of practical activity in integrated approaches inherent in human consciousness is incomparable. Accordingly, the formation of an integrated approach is permissible in certain safe conditions.

References

1. Mirziyoyev Sh.M. Rapid development and renewal on the basis of the strategy of actions. -Tashkent: 2017, -P. 92.
2. Grigorians A.G. Teaching of Natural Science. - T.: "Uzbekistan", 1992. -P. 232.
3. Mavlonova R., Torraeva O., Kholikberdiev K. Pedagogy. -Tashkent: "Ukituvchi", 1994. 510-b.

РЕЗЮМЕ

Маколада инновация, инновацион технология, табиатшунослик атрофимиздаги олам дарсларида фойдаланиш мумкин бўлган инновацион жараёнтар ҳамда дарс жараёнида ўқувчи фаоллиги ҳакида фикрлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даётся представление об инновациях, инновационных технологиях, инновационных процессах, которые можно использовать на уроках окружающего нас учёного, а также об активности читателя в процессе урока.

SUMMARY

The article gives an idea of innovation, innovation technology, innovation processes that can be used in the lessons of the scientist around us, as well as the activity of the reader in the lesson process.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШДА МАХСУС МОБИЛ ИЛОВАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

А.И.Олимов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Жиззах давлат педагогика институти

Таваҷҷу: талабалар, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, мобиљ иловалар, фан, ўзлаштириш кўрсаткичлар.

Ключевые слова: студенты, физическая культура, физическое воспитание, мобильные приложения, наука, показатели успеваемости.

Key words: students, physical cultural, physical education, mobile applications, science, performance indicators.

Долзарбилиги Ахборот технологияларида янги билимлар эгаллаши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инновациялар алоҳида ўрин тутади. Улар инсоннинг турмушни ташкил этишининг янги усулларидан тезкор

фойдаланиш имкониятини беради. Шунинг эвазига технологияларни ҳаётга жорий этиш ва кашфиётларни яратиш бирмунча тезлашмоқда. Таълим тизимиға дунё тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаради. Уни тақомиллаштириши ва сифатли ташкил қилиш, таълим олувчиларга кафолатланган билимлар бериш механизмларини ўкув-машғулотлар жараёнинг жорий этиш устувор йўналишлардан бири хисобланади [4]. Жаҳон миқёсида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда мобил иловалардан фойдаланиш масаласида илмий тадқиқот ишлари компьютерлаштирилган ўкув мухити, профессор-ўқитувчилар учун малака ошириш тармоқлари, юзлаб таникли олий таълим муассасалари ва барча билим соҳаларида ўкув курслари ҳамда дарслеклар кўринишидаги очиқ таълим манбаларини тақдим этувчи электрон фондлар яратиш ва амалиётта жорий этиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар етакчи таълим муассасалари томонидан олиб борилмоқда [2]. Республикаиз олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масала ва муаммолар, биринчи ўринда, кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва жамиятда содир бўлаётган аҳамиятта доир ўзгаришларга тўғри муносабатда бўлишга боғлиқdir. Юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, замонавий етук кадрлар тайёрлашга қаратилган катта эътибор берилмоқда.

Юртимизда ва хорижда турли фанларни ўқитишига мўлжалланган педагогик дастурий воситалар, хусусан, электрон дарслеклар, электрон кўлланмалар, автоматлаштирилган ўқитиши дастурлари, тренажерлар, электрон ахборот таълим ресурслар яратилган ва улар таълим тизимида кенг кўлланилмоқда. Эътироф этмоқ лозимки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида АҚТни кўллаш, улардан самарали фойдаланишда мутахассис олимларининг илмий тадқиқотлари, электрон китоблари, ўкув кўлланмаларидан юртимизда намуна ва манба сифатида мақсадли ҳамда самарали фойдаланишмоқда.

Хозирги кунда кишилик жамиятида ўзаро ахборот алмашибининг кулят воситаси сифатида мобил технологиялар кенг кўлланилмоқда. Мобил технологиялар турмушимизнинг турли соҳалари, жумладан, ишлаб чиқаришда, саноатда, тиббиётда ва таълим жараёнинда ўз ўрнини мукаммал эгаллаш келмоқда [3].

Олий ўкув юртларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнини тақомиллаштиришга ва уларнинг касбий тайёргарлигига кўйилган давлат таълим стандартлари талабларини амалга оширишга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, жумладан, маҳсус мобил иловалар яратиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий фаолиятга оид ўкув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишининг шакл, метод ва воситалари, янги инновацион технологияларини ўкув жараёнинг кўллаш, ихтиослик фанларидан бўлажак мутахассисларни касбий билим кўнкимларини ошириш учун ўкув-услубий таъминотларни яратиш каби ишларнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги ишимишнинг долзарблигини белгилайди.

Мақсад ва вазифалар олий ўкув юртларининг жисмоний маданият йўналиши талабаларининг бугунги кунда таълим олиш жараёнларида энг кўп ва қулаг бўлган замонавий инновацион технологиялар ва дастурий воситалар жумладан мобил иловалардан фойдаланишларини ўрганиб тахлил қилишни мақсад килганимиз. Шу асосда:

1. Жисмоний маданият йўналишида кадрлар тайёрлашда ахборот технологиялардан фойдаланиш

даражаларини ўрганиш, таълим-тарбия жараёнинда инновацион технологиялардан фойдаланишга муносабатларини ўрганиш илмий педагогик жиҳатдан тахлил қилиш;


2. Бўлажак мутахасис-талабаларнинг фанлардан маълумотларни олиш ва мутахассислиги бўйича фанларни ўқишида бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қайси восита ёки усул куляйлиги тўғрисида уларнинг фикрларини анкета сўровномаси орқали ўрганиш, каби вазифалар кўйилди.

Тадқиқот натижалари ва хуносалари.

Жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларида ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши, глобаллашув шароитда кечачётган жараёнларда замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини оқилона танлай олиш, ижодий ёндошув асосида метод ва технологияларнинг миллӣ менталитетга мослигини таъминлаш кобилятларига эга бўлиши белгилаб кўйилган [1]. Шуларга асосланган холда биз Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ва Гулистан давлат университети жисмоний маданият таълим йўналишининг юкори курсларида таҳсил олаётган бўлажак мутахассислардан бугунги кунда касбий билимларни эгаллашда қандай воситалар ва усууллар куляйлигини анкета саволномаси орқали ўргандик.

Ахборот олиш ва ўзаро алмашиш, маълумотларни иғифи манбалари сифатида биз бўлажак мутахассисларга жисмоний тарбия ва спорт бўйича маълумотларни олиш ва мутахассислиги бўйича фанларни ўқитишида улар учун қайси восита куляйлигини ўргандик (1-диаграмма).

1-диаграмма




Диаграммадан кўриниб турибдики Жиззах Давлат педагогика институти талабалардан 24,7%, Навоий Давлат педагогика институти талабаларидан 27,2%, Гулистан Давлат университети талабаларининг 29,5% ахборот ресурс марказидан ўз соҳалари бўйича маълумотларни олишда ва фанлардан билимларини оширишда фойдаланаар эканлар. Албатта бугути кунда хар бир ОТМ ахборот ресурс марказида яратилган шароитларни холати, таълим йўналишлари кесимида мавжуд ўкув адабиётларини буғунги кун талабидан келиб чиқиб шакллантирилганлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Ахборот технологияларнинг шиддат билан ривожланиши ушбу соҳада ҳам катта ўзгаришларга олиб келмоқда. Мобил телефонлардан факат алока воситаси сифатида фойдаланилган бўлса, хозирда турли операцион тизимли смартфонлар компьютер бажарадиган ишларни деярли ҳаммасини амалга оширимоқда. Шу сабабли респондентлардан ЖДПИ 54,5%, НавДПИ 45,7%, ГулДУ 52,6% мобил телефонлар орқали, шахсий компьютерда эса, ЖДПИ 20,8%, НавДПИ 27,2%, ГулДУ 17,9% ишлашни афзал кўришар экан.

Бундан бир неча йил олдин интернетдан фойдаланиш учун фокаттинга шахсий компьютерлардан


фойдаланилар эди. Бугунги кунда эса интернет фойдаланувчиларининг аксарияти мобил телефонлари орқали фойдаланаётгани бизга маълум. Ушбу масалада ёшларни берган маълумотлари хам фикримизга яққол исбот бўлди. Интернетдан фойдаланиш учун кўпроқ шахсий компютерданми ёки мобил телефондан фойдаланишларини ўргандик (2-диаграмма).

2-диаграмма



Юқоридаги маълумотларга асосланган холда бугунги куннинг ёшлари, бўлажак мутахассисларимизнинг хаётларига мобил телефонлар борган сари кириб бормоқда. Албатта бунинг учун зарур меъёрий-хукуқий хужжатлар хам ишлаб чиқилмоқда. Замонавий смартфонлар учун зарурый дастурий воситалар ишлаб чиқишидан олдин талабаларнинг шу русладаги мобил телефонлари билан таъминланганлик даражасини ўргандик (3-диаграмма). Хозирда талаба ёшларимизнинг аксарияти яъни ЖДПИ 92,2%, НавДПИ 93,8%, ГулДУ 91,0% замонавий операцион тизимга эга бўлган мобил телефонлардан фойдаланишларини маълум килишди.

3-диаграмма



Бугун мобил қурилмалар ҳаётимизда алоҳида аҳамиятта эга. Турли соҳаларда ва бизнес вазифалар учун ҳар бир фойдаланувчи смартфон ёки планшетлардан фойдаланади. Бундай қурилмалардан таълим олиш ва билимни бойитиш учун зарур дастурий

Адабиётлар

1. 5112000-Жисмоний маданият таълим йўналишининг малака талаблари / Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги. // 2016. -Тошкент: 28-б.
2. Логинова А. В. Использование технологии мобильного обучения в образовательном процессе. -Молодой учёный. 2015. №8. - С. 974-976.
3. Доскожанов Ч.Т., Даненова Г.Т., Коккоз М.М. Роль мобильных приложений в системе образования. //Международный журнал экспериментального образования. 2018. № 2. - С. 17-22.
4. Камалов Р.Р. Реализация мобильного обучения на самостоятельных занятиях физической культурой в вузе / Р.Р.Камалов, К.А.Касаткин, Р.С.Наговицын . // Вестник развития науки и образования. 2013. № 5. - С. 162-168.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада олий таълим муассасаларидағи жисмоний маданият мутахасислиги буйича таҳсил олувчи талабаларни ўқитишида мобил иловалардан фойдаланиш самарадорлигини педагогик тажриба таҳлилларидан олинган натижалари баён этилган.

РЕЗЮМЕ


В данной статье описаны результаты анализа педагогического опыта эффективности использования мобильных приложений в обучении студентам обучающимся по специальности физическая культура в высших учебных заведениях.

SUMMARY

This article describes the results of the analysis of the pedagogical experience of the effectiveness of using mobile applications in teaching the subject to students studying in physical education at higher educational institutions.

маҳсулотлар керак бўлади. Ёшларимиздан шундай дастурий таъминот, мобил иловалар хакида тушунчага эгаликларини билиш ва улардан фойдаланишларини ўрганиш максадидаги сўровимизга куйидагича жавобларни олдик. ЖДПИ 45,5%, НавДПИ 40,7%, ГулДУ 53,8% бўлажак мутахассисларимиз мобил иловалар хакида тўлиқ тушунчага эга эканликларини билдиришди. Қисман деб ЖДПИ 50,6%, НавДПИ 56,8%, ГулДУ 41,0% жавоб беришган. Етарли даражада тушунчага эга эмасликларини ва кам фойдаланишларини ЖДПИ 3,9%, НавДПИ 2,5%, ГулДУ 5,1% юкори курс талабалари маълум қилишган (4-диаграмма).

4-диаграмма



Хуласа. Юқоридаги таҳлилимиздан хуласа килишимиз мумкинки, бугунги кундаги бўлажак ёш қадрларимиз АКТни жумладан, замонавий мобил қурилмаларни жуда яхши ўзлаштириб олганлигини инобатга олиб, ўз билимларини касбий малака ва маҳоратларини ошириш учун восита сифатида фойдаланишимизни жамиятнинг ўзи тақазо этмоқда.

Турли техник муаммоларга таянган холда, мобил қурилмаларни кўллаш инсоннинг шахсий ҳаёти ва шахсий ҳавфсизлигига негатив акс этиши мумкин. Мавжуд камчилик ва чегаралашларга қарамай, мобил технологиялар тез тарқалмоқда ва келажакда энг самарали ўқитиш методларидан бири бўлиши мумкин. Мобил иловалар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қизиқарли, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилиши ўқитишининг самараасига ва бўлажак мутахассислар ўз билимларини, касбий малака ва маҳоратларини оширишга олиб келиши мумкин. Талабаларга билим беришда мобил иловалардан фойдаланиш ғоясини амалга оширишининг кўпгина аспектлари мавжуд. Ўз олдимизда тўғри мақсад кўйиб, барча афзал ва камчилик томонларини кўриб чиқиб, замонавий таълим жараёни сифатини ошириш учун мустаҳкам база яратиш мумкин, яъни замон билан ҳамнафас бўлишидир.

41

**M A Z M U N I
PEDAGOGIKA ILIMLERI**

Pedagogika teoriyası hám tarıxı	
Адизова С.Ю. Техника олий таълим муассасалари талабалариды касбий компетенцияларни ривожлантириш имкониятлари	3
Алламбергенов Е.К. Қоракалпок халқ достони «Шахриёр» - ўрта асрлардаги уйғониш даврнинг бебаҳо педагогик мероси	5
Аллаңбаев Р.У. Воспитание и приобщение к музыкальному искусству	8
Aripova Sh. Models of organizing independent study of students	9
Арзинев Ш. Таълим кластери мухитида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг креатив компетентлигини ривожлантириши	11
Bazarbaeva A.K. Oliy ta'limda talabalarini baholash tizimini qaf'iymas yondashuv asosida takomillashtirish	13
Elmuratova A.U., Babajanova G.M. Kishi mektep jastagi balalardin shaxs bolip qaliplesiw	15
Губенова Г.Т. Қоңигелик таълимде этномәдений компетенцияларды қалиплестирүде педагогикалық тийкарлар	16
Хасанова Г.М., Паҳрудинова Н.Ю. Показатели силовой подготовленности студенток 18-19 лет	18
Ibdullaeva I.N. O'smir o'g'il va qiz bolalarning emotsiyonal intellekt xususiyatlari va shaxslararo mulqot ko'rsatkichlari bo'yicha qiyosiy tahsil	20
Жумакулов З.П. Марказий Осиё мамлакатлари тарихида жисмоний маданиятнинг туттан ўрни	22
Курганова Р.Н., Сулейманова Н.К. Комплексный способ формирования военно-профессиональной компетенции будущего офицера	24
Курбанов X. Обеспечение качества профессионального образования в соответствии с уровнями международной стандартной классификации образования	26
Qadirov Q., Matnazarov J.S. Zamonaiv boshqaruvda rahbar professionalizmining ayrim xususiyatlari haqida	28
Qadirov Q., Mambynazarov R. Bilimlendirirw makemelerin basqarw processiniň pedagogikalıq hám psixologiyaliq ózgeshelikleri	30
Qunnazarov A.Q. Mobil texnologiyalar járdeminde pedagogikalıq programmalıq qurallar jaratiw	32
Мамадалиев Қ.М. Бўлажак ўқитувчи - талабалар жисмоний фаоллигини эрталабки гимнастик ва югуриш машклари ёрдамида ошириш самарадорлиги	33
Моргунова И.И. Обучение упражнениям на гимнастическом бревне по программам специализированной технической подготовки	35
Musurmonova Sh.I. Innovative technologies for the formation of concepts of environmental safety in primary school students on the basis of an integrated approach	38
Олимов А.И. Жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришда маҳсус мобил иловалардан фойдаланиш масалалари	39
Паҳратдинова Р.О. Мактаб ўкув режасида технология фанининг кўйилиши ва унинг тархий тараққиети	42
Рахимов А.А. Номинатив фаолиятнинг когнитив ва концептуал асослари	43
Рахимов В.Ш. Спорт-согломлаштириш туризмiga онд кадрлар тайёрлашда замонавий ёндошувлар	46
Рўзизе Д.С. Техник-муҳандислик фаолиятини шакллантиришда таълимiga тизимили ёндашувнинг моҳияти	49
Сайдуллаева Х.У. Кончилик йўналиши талабалари касбий лексик компетенциясини ахборот технологиялари ёрдамида ривожлантириш компонентларининг тасвифи	51
Сайтбекова А.Ж. Ренли сўйрет жэргеминде жасаларда коркем-эстетикалық мадениятиниң қалиplesiý ҳэм раўажланыў жоллары	52
Сойипов Ж.Ж. Ихтисослашган мактаблarda баҳолашга онд масалалар турлари ва уларни ечиш усуллари	55
Султанов Е.К. Профессионал таълимда педагогларнинг малакасини оширишда хориж тажрибаси	58
Uterbergenov A.Q., Bekmурzaev A.K. Nogiron bolalardagi motorli moslashuvning fiziologik parametrlari	60
Үринов У.А. Талабаларнинг амалий кўнималарини саноат корхоналарida амалиёт жараёнда ривожлантириш имкониятлари	62
Tálim - tárbiya teoriyası hám metodikası	
Дехқонова О. Умумий ўрта таълим мактабларида физикадан лаборатория дарсларини самарадорлигини оширишда айрим математик тушунчалардан фойдаланиш методикаси	64
Есбергенова Г.Б. Немис тили сабагында оқыўшылардың еркин пикирлеў үқыптылыгыны раўажландырыуда педагогикалық технологиялардың эммийети	67
Ешиязов Р. Курсын багдарында инновациялық оқытыў	68
Эштемиров А.Н. Физикага онд масалаларни ечишда моделлаштириш методи ва экспериментал масалаларни таҳлил килишининг ўзига хос жиҳатлари	70
Хайтметов И.С. Гимнастика харакатларини ўргатишда ўйин услубининг самарадорлиги	72
Ходжаниязова А.А., Генжебаева Г.К. Тенденции и интеграция инновационной деятельности как основа повышения качества образования (из опыта работы кафедры русского языка и литературы)	76
Iqlasova M. Oqiwshıldarı ruwxıly adép-ikramılıqqa tárbiyalaw-insanı pazıyletké bağdarlaw	78
Kalekeeva T.T., Shamenova J. Klassikalıq teñisizliklerdi dálillewde trans teñisizligin qollanıw usılları	80
Курбаниззова З.К. Педагогик-психологик фанларни ўқитишда субъектта доир педагогик вазиятлардан фойдаланиш	82
Qayratdinova U. Tálim hám tárbiya túsinikleri hám onıñ qatnasiwshıların socialıq qoṛǵaw	85
Наршабаева А.Ю. Билингвистик ёндашув асосида талабаларда толерантликни тарбиялаш технологияси	87
Tolepov E.T., Gayrova R.T. Materikler hám okeanlar tábiyyiy geografiyası kursın oqtıwda interaktiv metodlارдан paydalaniw	89
To'ychlyeva Sh.J. Kichik maktab yoshi bolalari emotsiyonal sohasini o'rganishning zaruriyatı	91
Турдиев У.Қ. Метод слабой аппроксимации для задачи Коши для одномерной системы уравнений типа Бюргерса возникающей в двухскоростной гидродинамике	93
Убайдова Д.А. Эффективность использования интерактивных методов в процессе вузовского обучения русскому языку (Интерактивные методы обучения на уроках русского языка)	96
Уразимова Т.В., Исмайлова А. Заманагай көркем таълимde art-методлардан пайдаланыў жоллары	97
Utemuratov B.K. Uhwma bilim beriw mektep oqiwshılardında kommunikativlik kompetenciyaları qaliplesiw metodları	99
Zamonova F.U. Alisher Navoiy asarlarini o'qitishda mediapedagogikaning o'mni	102
PSIXOLOGIYA ILIMLERI	
Файзиева М. Конструктив психологияни шакллантириш омиллари	104
Уразбаева Д.А. Онкологик беморлар хаёт сифатини тадқиқ килишининг назарий жиҳатлари	106
USTAZLAR SHEJIRESI	
Tanusıńız, Pedinstitut pitkeriwshileri!	
Алламбергенов К., Пазылов А.К. «Он сегиз баҳор» бостанынын серхаш бўлбили	108
Алламбергенов К. У.Пиржанов дөретиўшилиги: көп түрлилик ҳэм көркемликтн айрым моселелери	109
Утебаев Т.Т. Учёному-педагогу Г.Г.Еркибаевой – 70 лет	111